



ЧОРСУДАГИ ЧОЙХОНА

(3-кисм)

Эрталаб, сахархез чойхўрлар энди таркала бошлаган пайтда чойхонага икки киши шитоб кириб келди. Бири – новча, котма юзида кони йўк, ўзини ўта жиддий тутадиган олифта йигит, иккинчиси – бодомковок, ёши ўтиброк колган бўлса ҳам чиройликкина, сумка кўтарган семиз хотин. Кейин билсам, чойхонамизни санэпидстанция комиссияси босган экан.

Текшир-текшир бошланиб кетди. Иккови хамёини йўкотиб кўйгандай чойхонанинг бурчак-бурчакларигача караб чиқишди. Супага солинган кўрпачаларнинг четидан ижирганиб кўтариб кўришди. Куйкум тўкиладиган идишни хидлашди. Чойнак-пиёлани ёрукка солиб, ичини бармоклари билан сидириб текширишди. Новча дўхтир негадир Мамарайим аканинг шошганида тескари кийиб олган ягир халатини ушлаб-ушлаб кўйди.

Яхшиямки, шу пайт аллакаёқдан Тога келиб колди. Бўлмаса, халивери Мамарайим аканинг калтироги босилмас, менинг ланг очилган огзим ёпилмас эди. Тога дўхтирлар билан эски кадрдонлардай куюк сўрашиб кетди:

– Э келинлар, келинлар, кандок шамол учирди биз томонларга. Хай-хай, зап кепсизлар-да!

– Бу, полвон ака, ўшанча гапдан кейин хам чойхона ифлос-ку! Энди акт ёзарканмиз-да!

– Хар куни тозалаймизу, эплаб бўлмаяпти-да. Кани, ичкарига кирайлик, ўша ерда гаплашайлик. Бир пиёла чойимиз бор. Эрталабки нонуштадан юз ўгириб бўлмайди. Акт ёзиш кочмас, – деб Тога уларни кўлтиклаганича ён томондаги хонасига бошлаб кириб кетди.

Орадан бир соатча ўтгач, кайтиб чиқишди. Хотиннинг сумкаси каппайган, йигитнинг тунд башараси мулойимлашиб колган эди. У кетиши олдидан шундай кўрсатма берди:

– Бу сафар осон кутилдингиз. Агар чойхонангиз яна шунака ифлос бўлса, мендан

ўпкалаб юрманг. Уёк-буёкка каранг, чойнак-пиёлаларни янгиланг.

– Хўп бўлади, укажон. Хаммасини тўгрилаймиз. Келиб туринглар, – деди Тога кўлини кўксига кўйиб хайрлашаркан.

У чакирилмаган меҳмонларни кузатиб кайтаркан, аввал чукур уф тортди. Кейин Мамарайим акага зугум бошлади:

– Ахир булар келганда аммамнинг бузогидай хўшшайиб туравермай, мундок олди-кетингга карасанг ўласанми? Ё тахтдан тушиб коласанми? Тинчитгунча она сутим огзимга келди-ку, бу зарангларингни. Бир кунлик тушум кулогини ушлаб кетди.

– Э, хўжайин, илвисга ўхшаб ердан чикдими, осмондан тушдими – билмай колибман. Кўз кетиб колган экан. Мундок карасам, рўпарамда бакрайиб турибди.

– Сенга мудраш бўлса, бас. Дунёни сув босса, тўпигингга чикмайди. Чойхонанинг тангаси ширин, галвасига полвон балогардон, – Тога жахл билан кўкрагига урди.

– Хўроз кичкирмай келсам, "Время" ни тугатиб кетсам. Выходной йўк, кун иссик, одамни мудрок босавераркан-да, хўжайин, – деди Мамарайим ака бўшашиб.

Тога унинг гапига кўл силтаб нари кетди. Кейин супага этик билан чиккан чойхўрга захрини сочди:

– Ахир уйингизда шундай ўтирасизми? Хар ойда янги кўрпача кавийвериб хотиннинг кўли кавариб кетди-ку! Кўряписизлар, чиккани пастак том яхши, деб комиссиясининг топволгани шу чойхона. Бошкаси пашшага макон, сасиган дўкон бўлиб ётибдию, уларни текширишмайди. Бошка самоворчиларга ўхшаб, шамани куритиб, чойга аралаштириб чой дамламасам, одам тўплаш учун самоварнинг жўмрагига аччик тош боглаб кўймасам. Полвоннинг айби орияти кучлилигида, гап кўтаролмаслигида...

Бояги чойхўр лавлагидай кизариб, оёгини осилтириб олди. Аммо хамон Тоганинг ховури босилмас, эрталабки харажатнинг алами кетмас эди. У куйиб-пишиб, кизариб-бўзариб чойхўрларга гап уктирарди:

– Мана, ўзингиз биласиз, бирорта чойхоначи менчалик жон куйдирармикин? Хали хўроз чакирмай туриб самовар кайнайди. Эшикнинг тагида тонг окармай иссик нону, каймоқ, хасип, янги узилган узуму катикнинг энг аълоси тайёр турса. Бунакасани бошка шахарлардан топиб бўпсиз!

– Куйинаверманг, полвон! Яхши бўлгани учун чойхонангиздан одам аримайди-да. Шинаванда шинаванданинг кадрига етади, – тасалли беради тепакал чойхўр салмокланиб. – Канийди, театрга шунча одам кирса. Деректори суюнганидан тўй килиб берарди.

Биров чойхонани мактаб кўйса, Тоганинг бир коп семиришини яхши биламан. Бу гап хам унга сариегдай окди, шекилли, кўлини бир-бирига ишкаб, тепакалнинг олдига бориб колди. Аммо унинг бўгриккан юзида одатдаги кувонч аломати сезилмасди.

– Одамга алам киларкан-да, Максуд ака, – деди Тога тепакалга мўлтираб караркан. – Шахарга мусофир келса, аввало чойхонани ахтаради. Уйида сикилиб колган хам губорини ёзгани шу ерга чикади. Одамларнинг кўнгли кўтарилсин, дили яйрасин деганим шунга. Лўли аравасини ясатгандай, нима топсам, шу ерга ташийман. Ана шу сайроки беданаларнинг хар бирини эллик сўмдан тўлаб, Асакадан олдириб келганман-а! Яна ким ёмон – Полвон ёмон!

– Кимга канакалигини билмайману, агар нонуштани шу ерда килмасам, чой ичгандай бўлмайман, – бошка бир чойхўр Тоганинг кўнглини эрита бошлади. – Шу ерда бутун гам-ташвишингни унутгандай бўласан.

– Ха, ўлманг. – Тога дўпписини олиб, тиззасига урди. – Аммо одамлар орасида ичикора, хасадгўйи кўпайиб кетяптими, дейман. Гадонинг душмани гадо, деганларидай шу юришимни кўролмайдиганлар бор. Полвоннинг иши гуриллаганини билиб колса,

аламидан кўкариб кетади. Сезиб турибман, бугунги текширувни ҳам ўшалар уюштирган. Ха номард, агар бошингда дўппи, белинга белбог бўлса, нима киласан бунака пинхона олишиб. Бунинг ўрнига санам чойхонангни тузат, кўз кувонгудай безат, чойни аччикрок дамла, ширин сўзингни аяма, аблах! Агар одам окиб келмаса, мана, Полвон кафил!

Хай, бу машахона ҳам яхшилик билан тугади, шекилли. У ёкка силкиллаб, бу ёкка ликкиллаб кечга ҳам етиб келдик. Чойхонага одам сигмай кетди. Самовар шакирлаб кайнаб турибди. Гала-говур мол бозоридагидан ҳам кучлирок.

Бурчакдаги сўрига тикилишиб олган ўн чоғли чойхўр даврасида кийкирик, кулги. Кўйлагининг тугмаларни ечиб олган сержун амаки икки бармоғи билан лабининг четларини арта-арта нимадир айтиб, одамларни кулдиряпти. Чойнакнинг бўшини сўраб, якинрок бордим.

– Энди Шахобиддин акамлар Отелло ролидалар.

Хамма ялт этиб сарғиш юзи туксиз, кампирдахан, мулойим табиат одамга ўгирилди.

"Онаси, дастрўмолни кайга кўйгансиз?" – деб у мукалликликни бошлаб юборди:

"Вой, Отеллохон ака, ўша зорманда рўмолчани сўрайверасизми, йўкотиб кўйибман, дедим-ку!"

"Хмм. Йўкотибман денг, дастрўмол зотиға ўт тушибдими, уни йўкотган бўлсангиз , бошқасини опкелаверинг!"

"Гурр" этиб кулги кўтарилди. Сержун амаки даврадагиларнинг феълидаги нозик жойларини топиб, мўлжалга беҳато ураётган шекилли, нишон бўлганларнинг ўзлари ҳам котиб-котиб кулишади. Одамларнинг қаҳқаси босилмай туриб, у яна хаммани оғзиға қаратди:

– Лутфулло ака рўмолча сахнасини мана бундок ўйнаган эканлар: "Дездемона...– шунда даврадаги ялпок юз, бурни шолгомдай киши ўрнидан туриб кетмокчи бўлиб ёлгондакам кўзголиб колди. Икки-уч киши уни жойига ўтказиб қўйишди. – Дездемона, хо Дездемона, сенга айтяпман, овсар, рўмолча кани?"

"Дадажониси, рўмолчани йўкотиб қўйибман!"

"Хотин зоти шу-да, сира омонатни ишониб бўлмайди. Рўмолчани йўкотган бўлсанг, дастурхон бордир, опчикавермайсанми?"

Ялпокюз амаки чўтир бурнини ушлади. Яна кахкаха самовардай бикирлаб кетди.

Сержун амаки бирпас жимиб колди. Даврадагиларнинг кулгиси пасаяр, бўлиб ўтган гаплар эсга тушиб, у ер-бу ерда яна кулгу қўтариларди. Тога хам сўрига якин келиб корнини силкиллашиб кулар, ёшланган кўзларини тинмай артар, "зўр, зўр, бопладинг азамат" деб кўяр эди.

Мукаллид нишон тополмагандай даврадагиларга бирров кўз югиртириб чикди. Кейин шундоқкина ёндаги сўрида оркасини ўгириб ўтирган Индамас амакига ўгирилди:

– Энди Гофиржон аканинг Отелло ролини канака ўйнашларини эшитинг.

Индамас амаки унинг гапини эшитмагандай мик этмай ўтирарди.

"Дездемона, хой сенга айтяпман, рўмолча кайда колди?"

"Уни йўкотиб кўйдим, кечиринг хўжайин!"

"Нима? Йўкотиб кўйдим? Шахсий мулкка бунака бефарк бўлишни сенга кўрсатиб кўяман! Хали каттик жазойингни оласан!"

Яна "вах-вах", хо-хо-хо", "ха-ха-ха", "хи-хи-хи". Бу гал айникса таклидчининг ўзи мирикиб кулди. Шу пайт Индамас амаки оркасига жахл билан каради. Сўридагиларнинг нимага кулаётганини тушунмай, хаммага бирма-бир ўкрайиб назар солиб чикди. Давра сув куйгандай жимжит бўлиб колди. Охири унинг кўзлари сержун амакининг хали табассум тарк килиб улгурмаган юзига тушди:

– Ха, Нўъмон, огзингнинг иштонбоги кочиб кетибдими?

Сержун амаки довучча ўгирлаб кўлга тушган боладай дув кизариб кетди. Нажот кутгандай ён-веридогиларга каради. Хеч кимдан садо чикмагач:

– Шунчаки хазиллашувдим, Гофиржон ака, – деди ялинчок овозда. – Агар огир ботган бўлса, кечиринг.

– Топган хазилингни караю! Хазилингни катта холангга кил, тушундингми?

Ўтирганларнинг бири иш расво бўлганини сезиб, шартта ўрнидан турди:

– Кани кетдик, ўйиндан ўт чикди, – деди. – Давомини энди катта холамизникида киламиз.

– Ишхонада кулолмасанг, уйда хотин ўкрайса. Битта шу ерда яйраб ўтирардик, бунгаям пашша тушди, – деб яна кимдир тўнгиллади.

Индамас амаки хамминг таъбини тиррик килиб кўйганига ўзи ҳам хижолат бўлди шекилли, бошини экканича хомушланиб колди. Шу топда у хаёл суряптими ёки килган ишидан афсусланяптими – билиш кийин эди. Хар калай энди Тога хуружга кирди:

– Менга каранг, хў Гофир ака. Нима, сизга чойхона азахонами? Качонгача сиздакаларни деб чойхонада хазил килиб бўлмайди? Бир вақтлар сизга ўхшаган биттаси "гийбатнинг уяси" деб хамма чойхонани бекиттириб ташлаганди. Окибатини кўрдик-ку! Эркаклар уйда хотинлари билан эрсак-терсак айтишавериб жанжал кўпайди, одамлар хасратлашгани жой тополмай, ресторанда арокхўрлик килишни ўрганди. Яхшиямки, улугларимиз ўз вақтида эс-хушларини йигиб олишди. Энди яна чойхонага осиялпсизми? Сиздакаларнинг дастидан чойхўрлар яйраб ўтиролмайдими?

– Ўтираверсин, факат бошкаларнинг иззат-нафсига тегмай ўтирсин, – деди Индамас амаки тилга кириб.

– Э, садкаи одам кетинг. Гап ёкмаса, нима киласиз чойхонага чикиб? Шунакаям бадқовок бўладими?

– Хакорат килма, Полвон! Беш тийинли чойни ўн тийиндан пуллагани уялмайсану, яна тилинг бурро, ўзингни покдомон килиб кўрсатасан.

– Хой одам, отам бўлсанг ҳам тухмат килма! Качон сенинг ортикча пулингни олибман? Бировнинг хакини туя килиб, бола боккандан кўра кесак тишлаганим афзал менга, агар билсанг. Сан Полвонни ким деб ўйлаяпсан? Шароит мажбур килмаса, хар томондан "чўз-чўзлаб" турмаса, чойни бепул сотмасам, Полвон отимни бошка кўяман!

– Бойваччалик килмагину, чойни нархида сот, ноинсоф.

Тога бу гапга чидолмай колди. Бир хатлаб Индамас амакининг рўпарасида пайдо бўлди. Кўли килич, кўзлари ола-кула, кичкира кетди:

– Тўхта, тўхта! Качондан буён сан одам саналиб, чойхонага чикадиган бўлиб колдинг? Мана шунака мижговлигинг учун-ку, ишдан хайдалиб, итнинг кейинги оёги бўлиб юрибсан!

– Ишдан кетганимга ачинмай кўякол. Барибир ҳақ жойида қарор топади. Битта кўрнамакнинг игвосига учиб, мени бадном қилишган экан, бунгаям ҳафа эмасман. Адолат деган нарса бор дунёда. Эгилса ҳам синмайди, тушундингми, синмайди...

Тога шу гапдан кейин бирданига ўзгариб қолди. Кизишиб кетиб, Индамас амакига каттик озор бериб қўйганидан ўқингандай, шашти пасайди, қўллари шилвираб, ёнига тушди.

– Узр, Гофир ака,– дея сўник овозда гапирди, – жаҳлим чикканда, шунака отамни ҳам танимай қоламан. Менам бир чапани одамман. Бу ёруғ дунёга келиб, жиндай савоб топармиканман, яхши ном қолдирармиканман, деб шу чойхонада тентираб юрибман. Баъзан укам тенги болага қуллук қилишимгаям, гоҳида битта ўпкасини қўлтиклаган тирракининг олдида бўйним ҳам бўлсаям, минг азобда чидаяпманки, одамларга хизмат қилсам бўлди, деб...

Аммо Индамас амаки унинг узр сўраётганини сезмагандай ҳамон қалтираб турарди. Буни қўрган Тога ўзига ярашмаган синик овозда хижолатомуз гап бошлади:

– Мана Гофир ака, ўзингиз тушунган бўлсангиз керак. Халол бўламан, ҳақиқат қиламан, деб нима обрў топдингиз? Одамзод ёмон бўлиб кетган. Агар оқимга қарши сузадиган бўлсанг, бошингдан босиб сувга чўқтиришади. Менга ҳам ҳамиятни, гурурни бир чеккага суриб қўйиб, эчкини така, мушукни ака деб юриш осон деб ўйлайсизми? Виждон-виждон деяверган билан, виждонингга хайқал қўйишмас экан...

Индамас амаки унинг гапини эшитгиси келмагандай силтаниб ўрнидан туриб кетди. Пешонасини тер босди. Эшитилар-эшитилмас деди:

– Менга ачинмай кўякол, мен шунакаман, бошқача яшолмайман, эшитяпсанми, бошқача...

Лекин гапани тугатолмади. Лаблари асабий кийшайиб кетди. Чап кўкрагини ишкаб туриб колди. Чойхўрлар кўнгилсиз воқеанинг нима билан тугагини хавотир билан кутар, ҳеч ким чурк этишга ботинмас эди.

Индамас амаки калкиб, икки-уч кадам босди. Каловланиб анчагача туфлисини кия олмади. Атрофдагиларга хасрат билан карадию, кейин маст одамдай гандираклаб чойхонадан чикиб кетди.

Юрагим сикилди. Индамас амакининг ахволини, тушунмовчилик туфайли ноҳақ ранжитилганини эслаб, ўқиндим. Ўзи дарди ичида, ҳамдард тополмай юрган экан. Юрагини бўшатаман, деб чойхонага чикиб, дили хуфтон бўлди. Ишкилиб, уйига етиб олдимикин?

Шу топда Тогага ҳам раҳмим келди. Боя ракибини кочирган дакан хўроздай кип-кизариб, керилиб юрган одам ҳозир курк товукдай шумшайиб колди. Нима килишини билолмай, уёк-буёкка юрар, чойхўрлар олдида тўхтаб, гап тушунтирарди: "Нима килай, гапим шунака тўнгрот, ўзи сансираганидан кейин чидолмай колдим-да!"

(Давоми бор...)

Ахмад МУХАММАД ТУРСУН